

## Дуонинг одоблари (давоми)



10:30 / 16.04.2019 2742

**Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу деди:**

**«Намоз ўқиётган эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умар билан эдилар. Ўтирганимда Аллоҳга ҳамду сано ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш билан бошладим, кейин ўзимга дуо қилдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сўра, сенга берилади. Сўра, сенга берилади», дедилар».**

*Иккисини Термизий ривоят қилган.*

*Шарҳ:* Шунинг учун ҳам намозда дуо қилишдан олдин ташаҳҳудда Аллоҳга ҳамд ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга солату салом ўрин олган.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бирингиз зинҳор «Аллоҳим, агар хоҳласанг, мени мағфират қилгин. Аллоҳим, агар хоҳласанг, мени раҳм қилгин», демасин. Азму қарор ила сўрасин, чунки Уни мажбур қилувчи йўқ», дедилар».**

*Шарҳ:* Дуонинг одобларидан бири азми қарор билан, иккиланмай, бўшашмай сўрашдир.

*(давоми бор)*

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**